

Умрим бўйи бой бўлиш йўлларини излаб тополмай, охир, «такдиримда бойлик ёзилмагон экан» деб юрган эдимки, тўйкусдан ўктабр ўзгариши воқеъ бўлуб, болшевиклар ҳукм сура бошладилар. Кўб вақт ўтмадиким, булар турли газета ва китоблар чиқариб, халқни болшевикликка ташвиқ эта бошладилар. Бошқа ёқдан, эшонларимизга ўхшаш: «Дунё ҳаром, пул бекор, бойлар золим, қонхўр!» деб бойнамоларимизни эзишга тутиндилар...

Қараб турсам, маслакдошларимдан тузук-тузук обрўли кишилар «холо сўзингиз ҳақ» деб болшевикликка ёзилиб учига чиқиб кетдилар. Зотан, ман ўзим бой бўлмок йўлини тополмай, гаранг бўлиб юрган эмасми, Тангрининг мени бой қилмаганига шукрлар қилдим. Чунки бу қун агар мен ҳам бой бўлсам эди, бу қунги бойнамолар қаторида бор-йўғимдан айрилиб, турмаларда қамалиб, қанча азоблар қўрган бўлур эдим.

Оқибат, мен ҳам ҳеч қим билан қенгашмасдан, истихора қилмасдан, тезгина болшевик бўлиб олдим. Шунини ҳам билмок қераққим, мен зоҳиран болшевик бўлган бўлсам ҳам, ота-бобомдан мерос бўлиб қелган қўнғлимда «қан-нақши фил-ҳажар» (тошга ўйилган нақш) қабил ўлтириб қолгон ҳисларим ўз жойида барқарор эди.

Сўзининг қисқаси, мен ҳам масъул ишчилар қаторида масъулиятлик бир ишга қириб кетдим. Ойлар ўтди, йиллар ўтди. Мен қуқун-эрталарда оқча бекор бўладир, бойлар йўқ бўлиб, барқамиз қамбағал ҳолатида роҳатда яшармиз деб юрсам ҳам, лекин бул сабил қолғур пул билъақс қўпая берди. Тухумига қирон қелғур бойлар ҳам йўқ бўлмадилар, балқил бирлари минг, минглари миллион, миллионлари миллиардларга етиб, Қорундек мулаларнинг ҳисобини билмай-тургон бўлдим.

Маслакдош муқулмон, болшевик ўртоқларимнинг баъзилари ҳолига диққат билан қарасам, зоҳиран булар ҳам мен билан баробар ойлик оладурлар. Лекин ҳақиқатдан диққатлари қок, бош-оёқ қийимлари «золим Николай»нинг генеролларида ҳам йўқ...Ишларига қўз солсам: қалага ҳар бир овға қикқанларида «музаффар ва мансур» бўлиб қай-тиб қеларлар. Сўнгра ўзлари истаган хотин-қизларини миллиардларча сўм ҳаражот билан тўй қилиб олиб, қайф-сафо этарлар. Болшевик қакунида ичкилик ҳаром бўлса-да, булар ҳийлаи шаръий топиб, сув ўрнида қоняқ иқарлар.

Бу ишлар мени ҳайратга солди. Бой бўлмок савдоси яна бошимга тушди. Бир дўстимнинг қенгаши билан дўқон оқдим, аммо сармоядан асар, савдодан давлат йўқ. Баъзан қунлик

нон ва чойни «харифона» тариқаси билан топиб ўтказаман...Натижада, яна очлик, яна ялангочлик.

Окибат, ўйлаб топдимки, бу тўғрида айб ўзимда экан, мунча очлик, мунча ялангочлигимга, бу қадар бахтсиз ва толесизлигимга ўзим сабаб бўлгон эканман. Чунончи, мен болшевик бўлиб туриб баъзи болшевик ўртокларимдек халқ номидан зақот олишни ўзимга вазифа этмабман.

Хар қим бой бўлишни истаса, виждон билан алоқа қиддингми, бойлик сендан алоқасини ўзиши аниқдир, бу нарсга менга узок тарбиялардан кейин сабоқ бўлди.

*Ботурбек*

Қўб вақт бир кишига ёки бир неча кишига қаратиб айтилган «Таёқ» ўзини тўғри ҳисоблаб юрган кишиларга ҳам тегиб кетадир. Меним бу таёғим тўғрининг бошидан сакраб ўтуб, эгрининг бошини ёрадир.

*«Зарафшон» газетаси, 1922 йил, 3 ноябрь*